

Ўсмирнинг маънавий-ахлоқий шаклланишида мотивация муҳитининг ўрни

Зухра Сирожиддинова,
Ўзбекистон ДЖТУ ўқитувчиси

Ўсмирлик чоғида юз берадиган фикрлаш жараёнларининг мураккаблашуви, мавҳумлаштириш, яхлит ҳолга келтириш ва даражалаш қобилиятларининг шаклланиши, атрофдаги воқеликни танқидий англаш, социум талаблари, кечаги боланинг ўзининг янги ижтимоий ролини қабул қилиши билан ўзаро таъсир этиб, унинг маънавий-ахлоқий ривожланишини рағбатлантиради. Ўсмир ўз-ўзини англашининг ривожланиши қуйидаги асосий одимларнинг кетма-кет амалга ошиши сифатида кечади:

-ўзи тўғрисидаги тасаввурларнинг тўпланиши;

-бу тасаввурларни умумлаштириш;

-кўринишларда ўзини англаш, ўзининг ўзига хослиги, бошқаларга ўхшамаслигини англаш;

-ўзига нисбатан мулоҳаза қилиш қобилияти ва ўз шахсига ўзи баҳо бериш ўсмир ўз-ўзини англашининг бир нечта даврини ажратади. Бу даврда ўсмир айнан ўхшашлик инқирозини бошидан кечиради. Канадалик психологи Д. Марсиа ўсмирлик инқирозини тўрт асосий турга бўлган, бу турлар, айти пайтда ушбу инқирознинг босқичлари бўлиб ҳам ҳисобланади:

-қоришиқ, айнан, ўхшашлик, бунда индивид ҳали инқироз даврига кирмаган бўлади;

-олдиндан белгилаб қўйишлик – индивидни катта ёшдагилар ўртасидаги муносабатлар тизимида, мустақил равишда эмас, инқироз ва синовлар даврини ўтмасдан қўшилиши;

-мораторий – ўсмирнинг ўз мавқеини белгилаб олиш жараёни;

-етилган, айнан, ўхшашлик инқирознинг ниҳоясига етганидан дарак беради, амалий ўз-ўзини реализация қилишга ўтиш.

Мазкур босқичлар навбатма-навбат енгиб ўтилиши ёки ўсмир ўз-ўзини англашининг ривожланишида қатъий нуқталарга айланиб, унинг психологик ўзига хосликларини белгилаши мумкин. Дастлабки икки шакл унчалик натижали эмас, уларни қатъий бўлиб қолиши кам мустақиллик, обрўли шахснинг фикрига таяниш, мулоқотдаги қийинчиликлар билан боғлиқ. Кейинги икки шакл эса, ўз руҳий ҳолати ҳақида ўйлашнинг юқори даражада ривожланганлиги, ақлий мустақиллик, ўзаро муносабатлардаги бирмунча сирлиликка таянади. Шундай қилиб, ўсмирлик чоғида, ўз-ўзини англашнинг мураккаблашиш, тизимлаштириш, кўп ҳолларда чуқур кечинмалар билан йўғрилган, ўсмирнинг ҳиссий ҳолатлари ва унинг феъл-атворида намоён бўладиган ўзининг “мен”и ҳақидаги тасаввурларнинг мустаҳкамланиши томонга жадал шаклланиши юз беради. Мазкур даврда ўз-ўзини англашнинг шаклланиш жараёни ўзи тўғрисидаги: ўз ўзига баҳо бериш ва ўз-ўзига муносабат ҳақида ҳиссий бўялган тасаввурларни тавсифлаш орқали яққол ифодаланиши мумкин. Беқарорлик, ўзгарувчанлик, қарама-қаршилик, айрим хислатларни баҳолашда ҳаддан ошириб юборишга мойиллик ўсмирнинг ўз-ўзини баҳолашининг асосий хусусиятлари бўлиб ҳисобланади. Бироқ, ўз-ўзини баҳолашдаги бундай ҳаракатчанлик ва қарама-қаршилик ўсмир учун зарур, булар унинг шахсияти тузилишидаги ўзгаришларнинг кўрсаткичи, янги ривожланиш босқичига ўтишни амалга ошириш воситаси бўлади. Ўсмирлик чоғида ўз-ўзини баҳолашнинг қарама-қаршилиги, унинг машаққатли шаклланиши, кўп ҳолларда норасолик комплекси, таъсирчанлик, мантиқсизлик, маънавий қадриятларнинг ўзгарувчанлигига олиб келади.

Ўсмирлик чоғидаги ўз-ўзини баҳолаш, одатда, “ўта умумийлашган” бўлади, яъни, ҳар қанақа майда-чуйда нарса ҳам ўсмирнинг ўз-ўзига муносабатига таъсир қилиши мумкин. У ўсмирнинг феъл-атворида бевосита таъсир кўрсатиб, унинг катта ёшдагиларнинг таъсиридан таъсирланишини ҳам белгилайди. Агар ўз-ўзини баҳолаш катталар томонидан қўллаб-қувватланса ва жамоада ўсмирга муҳим ўринни берса, у ҳолда, уни қўллаб-қувватлаш эҳтиёжга айланади. Кўпинча, ўсмирнинг ўз-ўзини баҳолаши паст,

лекин, айна пайтда, унинг даъво қилиш даражаси юқори бўлади. Бундай ҳолда ўсмир, уни оқлаш мумкин бўлиши учун ўз-ўзига паст баҳо берганда “мажбурий камтаринлик” кузатилиши мумкин. Бу ерда гап ўсмирнинг ўз кучига ишонмаслигидан келиб чиқадиган эҳтимолдан холи бўлмаган “омад ноқулайлиги” тўғрисида кетяпти. Бу ҳолда “номувовфиклик аффекти” бўлиши мумкин. Ҳар қандай омадсизлик кучли ҳиссий таъсирланиш, ҳамма нарсада биринчи бўлишга, қатъий эҳтиёж манбаига айланишига интилади. Бундай кезде омадсизлик, агар компенсацияловчи механизмлар ишга тушадиган бўлса, ҳатто, ўз-ўзини баҳолашнинг кўтарилишига сабаб ҳам бўлади. Ўз-ўзини паст баҳолаш атрофдагилар, биринчи навбатда ота-онанинг интериоризациялашган баҳосидан ҳам келиб чиқади. Бундай ҳолда ўсмир ўзининг камчиликларини бўрттириши, омадни эса тақдир совғаси деб қабул қилиши мумкин. Шундай қилиб, ўсмирнинг ўз-ўзини баҳолаши, қоидага кўра, ўзининг хислатлари ва имкониятларини мос тарзда баҳолаш эмас, балки салбий, бўрттирилган, беқарор бўлади, кўп жиҳатдан тенгдошлари ва катта ёшдагиларнинг фикри, аниқ вазият билан боғлиқ бўлади. Бироқ, ривожланиб бориш жараёнида у тобора мустаҳкам, барқарор, глобал бўлиб боради. Мазкур қайта ўзгаришлар ўз-ўзини англаш ривожланишининг энг муҳим компонентларидан ҳисобланади. Ўз-ўзини англашнинг шаклланиш жараёни фаол ўз-ўзини билишда намоён бўлади, ўсмир онгли ва онгсиз равишда доимо ўзига-ўзи “Мен кимман? Қанақаман?” деб саволлар бериб, бу саволларга ўзининг қилиқлари ва ўз шахси тўғрисидаги мулоҳазалари билан жавоб беради. Мазкур жараённинг энг муҳим намоён бўлишларидан бири ўсмирнинг кундаликлар тутиши бўлиб ҳисобланади. Кундаликлар эсдаликларни қайд этиб қўйиш, катарсис, шерикни ўзгартириш, ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини тарбиялаш, ижод сингари муҳим функцияларни бажаради. Айтилганларни умумлаштириб, ўсмирнинг ўз-ўзини англаш ривожланишини қуйидаги жиҳатларга ажратиш мумкин:

1. Ташқи (социал вазият) ва ички (жисмоний ва физиологик, когнитив ривожланиш) оламдаги ўзгаришлар ўсмирнинг ўзига-ўзи қизиқиши ривожланишининг асосига айланади;

2. Ўсмир фаол равишда ўзини билиб бориб, ўзининг тенгдошлари билан мулоқотга эҳтиёжларини реализация қилади;

3. Ўзи ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши, дастлаб, ўзининг ноёблиги, бошқаларга ўхшамаслигини англаш йўлидан амалга ошади, бу бир томондан ўз-ўзига ижобий муносабатнинг шаклланишига кўмаклашади. Лекин иккинчи томондан, гуруҳга кучли тобелик, ўсмирни референт гуруҳда қабул қилинган стандартларга мувофиқликка интилишга мажбурлайди.

4. Бу даврда ўсмир ўз-ўзини англашининг ривожланиш вазифаларига мос шаклланиш жараёни, ўзи тўғрисидаги тасаввурларнинг мураккаблашуви, даражаланиши ва ягона образга яхлит қилиб бирлаштирилиши билан боғлиқ бўлади, вақт ўтиши билан у тобора аниқ, тўла, тизимли, мустақил, барқарор ва мувофиқ бўлиб боради;

5. Ўсмир «мен» концепциясининг шаклланишидаги қарама-қаршиликларни кўпинча ортиқ даражада куйиниб бошидан кечиради, лекин булар ўсмирнинг ривожланишидаги олға бостирувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Россия ва чет элларда балоғат ёши босқичига ўтиш мазкур ўзгаришларга психологик тайёргарлик билан ниҳоясига етиши учун ўсмир бажариши керак бўлган бир қатор ёшга доир вазифалар таърифлаб берилган. Мазкур вазифалар, биринчи навбатда, ўсмирнинг уч асосий соҳада ўз мавқеини белгилаб олиши билан боғлиқ. Жинсий, у жисмоний ривожланиш, физиологик қайта ўзгаришлар, шунингдек уларни англаш, уларга нисбатан маълум бир муносабатнинг шаклланишига даҳлдор. Мазкур ҳолда қуйидаги ўзгаришларнинг зарурлиги тўғрисида гап кетяпти: ўз танасидаги ўзгаришларни, жисмоний “мен” ининг қайта ўзгаришларини қабул қилиш; жинсий тенглаштириш ва эркак ҳамда аёл ролини ўзлаштириб олиш; қарама-қарши жинсга мансуб тенгдошлари билан етук муносабатлар ўрнатиш.

Социал, у мулоқот тузилишининг ўзгариши, янги ижтимоий ўриннинг шаклланиши, мазкур ёшдаги ўсмирга нисбатан жамият муносабатининг ўзгариши билан боғлиқ. қуйидаги ўзгаришлар ушбу соҳага оиддир: ота-она билан муносабатни қайта баҳолаш; ота-она васийлигидан озод бўлиш; референт гуруҳда ўз ўрнини топиш; катта ёшдагилар оламига кириш ва янги социал ролни қабул қилиш; бўлғуси касбий фаолиятга тайёргарлик; социал-масъулиятли феъл-атворнинг шаклланиши. Психологик, у қуйидаги қайта ўзгаришларни ўз таркибига олади: когнитив ривожланиш (мавҳум фикрлаш қобилияти, ўз рухий ҳолати ҳақида ўйлашнинг ривожланиши сингари; ҳиссий-иродавий ривожланиш (фрустрацияларга нисбатан барқарорликнинг ўсиши, феъл-атворнинг бир мақсадга йўналганлиги); шахс ривожланиши, бу ўзи ва бошқалар, оламдаги ўз ўрни тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиши, мазкур феноменларни баҳолаш ва уларнинг асосида маълум феъл-атворда бўлиш билан боғлиқ, қадриятлар тизими ва онг этикасининг шаклланиши. Ўсмирнинг оилавий вазиятидаги ўзига хосликлар ўсмир ўз-ўзини англаши ривожланишининг ўзига хос хусусиятини ва мазмуний тўлдирилишини белгилайди. Маъқул оилавий вазият шароитида, ўсмирнинг ўз-ўзини англаши юқори, вақт бўйича мустаҳкам ўз-ўзини баҳолаш, унга мувофиқ даражадаги даъволар, ўз-ўзига ижобий муносабат, хайрихоҳлик ва эвида авторитарликнинг қўшилиши билан боғлиқ ижобий бўялган “мен”нинг устун бўлиши билан тавсифланади. Ўсмирнинг оилавий вазиятдан қониқиш даражасининг пастлиги, нисбатан паст, беқарор, лекин, айти пайтда, нисбатан ҳаракатчан ўз-ўзини баҳолашнинг, унга мувофиқ бўлмаган юқори даражадаги даъволар, нисбатан кам ижобий бўрттирилган ўз-ўзига муносабат, ўз ичига ҳам салбий, ҳам ижобий мойилликни (худбинлик ва ғамхўрлик, тажовузкорлик ва хайрихоҳлик) олувчи “мен”нинг шаклланиши билан боғлиқ. Яққол ифодаланган нохуш оилавий шароитда ўсмирда нисбатан паст ёки беқарор ўз-ўзини баҳолаш, унга мувофиқ бўлмаган юқори даражадаги даъволар пайдо бўлади, ўз-ўзига салбийроқ муносабат, бўйсунувчанлик ва гумонсираш тенденцияларининг устунлиги билан

тавсифланадиган салбий бўрттирилган “мен”и шаклланади. Баён этилган мулоҳазалар ўз-ўзини баҳолаш жараёни шаклланишинингсўнг даражадаги кўринишларини ифода қилади, ўз-ўзини билиш жараёнидаги изланиш ва қарама-қаршиликлар кўпинча тўлақонли шахснинг шаклланишига олиб келади.